



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Аҳмадқулов Ниятулло Жаҳонгир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги

бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 209-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14859675>

ARTICLE INFO

Received: 1st February 2025

Accepted: 5th February 2025

Published: 12th February 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
маъмурий ҳуқуқбузарлик,
мурожаатлар, мурожаат турлари,
ариза, маъмурий жавобгарлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги келиб тушган мурожаатлар, мурожаатнинг турлари, уларнинг қонуний ечимлари, мурожаатлар бўйича тўпланадиган ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳияти, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишда муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишига нисбатан берилаётган эътиборнинг кундан-кун ортиб бораётганлиги, барча давлат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юксак масъулият юкلامоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мақсадларидан бири аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақли. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт¹»лиги (35-модда) ҳамда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси.

<https://lex.uz/docs/6445147>.

жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланганлиги²» (44-модда) сингари қоидалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий мажлисга йўллаган мурожаатномасида *“Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади. Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилади. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади”³* деган сўзлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари нақадар долзарб эканлигидан далолат беради.

Маълумки, 2017 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлади. Янги таҳрирдаги қонунда аввалгисидан фарқли ўлароқ халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимда маслаҳатлар бериш ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш тартиби ўз ифодасини топди. Таъкидлаш жоизки, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, шунингдек давлат органларининг ҳамда улардаги таркибий бўлинмаларнинг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаганлиги муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу қоида ички ишлар идоралари тизимининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида айрим тушунмовчиликларнинг кузатилиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Чунки, ички ишлар идораларида мурожаат шакли ва мазмунига эга бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарлар ҳам бевосита кўриб чиқилади.

Ушбу қонуннинг 3-моддасида қуйидаги тушунчалар берилган.

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда (зарур ҳолларда) профилактика инспектори қуйидаги ҳужжатларни тўплайди:

- ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини;

² Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси.
<https://lex.uz/docs/6445147>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган сўзидан. <https://uzts.uz/murojaatnoma2020/>.

- ҳуқуқбузарликка оид далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳақида расмийлаштирилган баённомаларни;
- ҳуқуқбузарлик бўйича аниқланган гувоҳлар билан суҳбатлашиб, улардан олинган тушунтириш хатларини;
- экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳамда экспертнинг хулосасини;
- моддий зарар миқдорини ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳақидаги ҳужжатларни;
- ҳуқуқбузарни муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигини текшириш ҳақидаги талабномани;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳолатига аниқлик киритишга доир бошқа ҳужжатларни ва ҳ.к.

Профилактика инспектори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандида берилган 24 та модда бўйича ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни кўриб чиқади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасида белгиланган тартибда жарима жазосини қўллаш ваколатига эга. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан ҳужжатлар профилактика (катта) инспектори томонидан расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддасига асосан тегишли органга юборилади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тақиқланган қилмишларни содир этган 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар болалар масалалари бўйича комиссияларга юборилади. Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган ваколат доирасида умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини амалга оширади.

Профилактика инспекторининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқиш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан ҳам тартибга солинади. Жумладан, кодекснинг 43-моддасида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”⁴ ҳуқуқбузарлиги бўйича жавобгарлик белгиланган.

Профилактика инспекторлари томонидани таянч пунктларида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини қабул қилиш учун “Фуқароларни қабул қилиш китоби” юритилади ва унга қуйидаги маълумотлар ёзиб қўйилиши лозим: - жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларининг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар; - юридик шахсларнинг шахсларнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар; - мурожаат санаси, вақти ва унинг қисқача мазмуни; - мурожаат юзасидан кўрилган чоралар (маслаҳат, ёзма ариза олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши, тадбирларнинг белгиланиши ва ҳаказо). Китобда фуқаролар томонидан махсус қутига ташлаб кетилган муайян шаклдаги мурожаатлар ёки тўғридан-тўғри қилинган мурожаатлар оғзаки ёки ёзма, электрон бўлишидан қатъи назар бир хил тартибда қайд этиб борилади.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш чоғида профилактика инспекторлари ўзининг юксак касбий ва инсоний

⁴ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>

фазилатларини намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетик қоидаларга риоя қилиши (фуқароларга эътиборсиз бўлмаслиги, қабул вақтида тамаки маҳсулотларини чекмаслик ва бошқа ишлар билан чалғимаслиги) талаб этилади.

Профилактика инспекторининг жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш фаолияти қуйидаги босқичларни ўзи ичига олади:

- 1) мурожаатни ўрганиш ва таҳлили қилиш;
- 2) мурожаат бўйича маълумотлар, далил ва ашёларни тўплаш;
- 3) мурожаат бўйича қарорларни қабул қилиш;
- 4) мурожаатни ҳал этиш ва мурожаат эгасига хабар бериш.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш натижасида профилактика инспекторлари томонидан қуйидаги қарорлардан бирининг қабул қилиниши талаб этилади:

- 1) Маъмурий ишни қўзғатиш ҳақида;
- 2) Маъмурий ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) Ариза ёки хабарни тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Профилактика инспекторлари жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни ҳар томонлам ҳолисона ва қонуний кўриб чиқиши шарт. Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатни олганидан сўнг дарҳол котибиятдан рўйхатдан ўтказди. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандида кўрсатилган профилактика инспектори ваколатига кирадиган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб жарима жазоси қўлланилади. Ҳуқуқбузарга расмийлаштирилган баённоманинг қвитансияси тақдим этилади.

Фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатда суриштирув жараёнида ҳуқуқбузарнинг ҳатти-ҳаракатида профилактика инспекторининг ваколатига тааллуқли бўлмаган лекин суд томонидан кўриб чиқилиб жазо тайинланадиган ҳуқуқбузарликлар бўйича ишчи ҳужжатларни тўлиқ йиғиб электрон тартибда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245-моддаси тартибида қонуний қарор қабул қилиш учун туман ЖИБ Судларига юборилади.

Суд томонидан кўриб чиқилган мурожаатлар бўйича жарима жазоси қўлланилса, Суд органи томонидан ҳуқуқбузарга қвитансия берилади. Ҳуқуқбузарга маъмурий қамоқ жазоси берилса ижросини ИИО ходимлари таъминлайди.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида мурожаат қилган фуқарога иш қонуний кўриб чиқилганлиги ҳақида хабарнома (жавоб ҳати) ни почта орқали жўнатади.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторларига мурожаат қилган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашда ўзининг бор куч ва билими билан қонуний кўриб чиқади. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни қонуний кўриб чиқиши фуқароларни Ўзбекистон

Республикаси қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳизмат қилади. Профилактика инспекторлари ўзларининг фаолиятида инсон тақдири ётадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни қонун доирасида ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқиб қонуний қарор қабул қилсалар, фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаган бўлиб, фуқароларимиз давлатимиздан рози бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445147>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445147>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган сўзидан. <https://uzts.uz/murojaatnoma2020/>.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>
5. ugli G'ofurov AA, o'g'li Mustofaqulov BA HUQUQIYATCHILIKLARNI profilaktika xizmatida KADRLARNI TAYYORLASHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH //XALQARO ILMIY KONFERENSIYA" ILMIY ILMIY ILMIYATLAR VA INNOVATSION YAZILISHI". – 2024. – V. 1. – Yo'q. 2. – B. 16-22.
6. o'g'li Mustofaqulov BA, o'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – V. 1. – Yo'q. 6. – B. 188-192.
7. ugli G'ofurov, Asilbek Avaz, va Bobur Asror o'g'li Mustofaqulov. "HUQINCHIYATLAR profilaktikasi xizmatida kadrlarni ta'lim olish samarali tizimini takilish". *xalqaro ilmiy konferensiya" ilmiy ilmlar va innovatsion yondashishlar"*. jild. 1. Yo'q. 2. 2024 yil.
8. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI. *New Science Society International Scientific Journal nashri yangiliklari*, 1 (6), 193-200.